

“Ўзстандарт” агентлиги  
бош директорининг  
2020 йил “\_1\_” декабрдаги  
123-сон бўйруғига  
ИЛОВА

**“Ўзстандарт” агентлигининг Жисмоний ва юридик шахсларнинг  
мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги низомига  
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 2, 29, 30, 43 ва 80-бандлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ушбу Низомнинг амал қилиши:

кўриб чиқиши тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун хужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;

давлат органларининг, ташкилотларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.”

“29. Куйи ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши керак бўлган мурожаатлар агентликка келиб тушган кунидан бошлаб 1 иш кунидан кечиктирмай Мурожаатлар билан ишлаш шўъбаси томонидан маҳсус компьютер дастури орқали рўйхатга олинади ва раҳбариятга киритилади. Агентликнинг биринчи раҳбари ёки унинг ўринbosарлари томонидан имзоланган устҳат (*резолюция*) асосида мурожаатлар куйи ташкилотларга маҳсус компьютер дастури орқали электрон шаклда юборилади.

Бунда, мурожаатни куйи ташкилотга кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисидаги алоҳида хат (*кузатув хати*) расмийлаштирилиши талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, Халқ қабулхоналари ва Бosh вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиши қабулхоналаридан маҳсус компьютер дастурлари орқали келиб тушган электрон мурожаатлар Агентликнинг Мурожаатлар билан ишлаш шўъбаси томонидан тегишлилиги бўйича ваколат доирасида кўриб чиқиши учун куйи ташкилотларга электрон шаклда юборилиши мумкин.

Бунда, мурожаатни куйи ташкилотга кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида Агентлик раҳбариятининг топшириғи (устҳати) бўлиши талаб этилмайди.

Агентликка келиб тушган барча мурожаатлар белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши ҳамда мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича ёзилган жавоб хати ва уни юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (*почта квитанцияси, реестри, электрон почта жўннатмаси ҳисоботи*) масъул ижрочи томонидан тегишли компьютер дастурига (*cabinetpm2.gov.uz, kb-business.gov.uz, uzst.ijro.uz ва ҳ.к.*) киритилиши шарт. Айrim ҳолларда, мурожаат билан боғлик бўлган бошқа турдаги қўшимча ҳужжатлар ҳам сўраб олиниши мумкин (*мурожсаатни кўриб чиқиши натижаларидан қаноат ҳосил қилганлиги тўғрисида мурожсаат муаллифининг аризаси ёки тилхати, мурожсаат муаллифи билан ўтказилган сұхбат баёни ва ҳ.к.*).”

“30. Агар мурожаатда бир нечта таркибий бўлинма ёки тизим ташкилотларига тегишли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижро этувчилар этиб белгиланади. Раҳбарият устҳатида номи остига чизик тортилган таркибий бўлинма ёки ташкилот мазкур мурожаатни кўриб чиқилиши учун масъул ҳисобланади ҳамда умумлаштирилган жавоб расмийлаштирилишини таъминлади.”.

“43. Мурожаатга жавоб хати тегишлилиги бўйича Агентлик ёки унинг тизимидағи ташкилотларнинг раҳбарлари ёхуд ўринбосарлари томонидан имзоланади. Айрим ҳолларда, мурожаатларга жавоб хати бунга алоҳида буйруқ билан ваколат берилган мансабдор шахс томонидан ҳам имзоланиши мумкин.

Мурожаатни кўриб чиқилиши юкори ташкилотлар томонидан назоратга олинганда ва шу каби бошқа ҳолларда Агентлик раҳбарияти томонидан қўйи ташкилотлар раҳбарларига алоҳида мазмундаги топшириқлар ҳам берилади.”

“80. Агентлик ҳамда унинг тизимидағи ташкилотлар томонидан ҳар чоракда бўйсунув тартибида юкори ташкилотга мурожаатлар билан ишлаш тўғрисида ҳисбот тақдим этилади.”

2. Куйидаги мазмундаги 39<sup>1</sup> ва 84<sup>1</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

“39<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналаридан келиб тушган мурожаатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5718-сон Фармони талабларига мувофиқ **7 кунгача бўлган муддат ичида** кўриб чиқилади.”

“84<sup>1</sup>. Мазкур Низом ва мурожаатларни кўриб чиқишга оид бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар талаблари бузилган тақдирда, бевосита мурожаатни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган масъул ходимга нисбатан тегишли жазо чораси қўлланилади. Зарур ҳолларда, лозим даражада назоратни ўрнатмаганлиги ёки бошқа сабабларга кўра мурожаатни кўриб чиқаётган бошкарма, бўлим ва тизим ташкилотлари раҳбарларига нисбатан ҳам жазо чоралари қўлланилиши мумкин”.

3. 38-банднинг 2-хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Электрон мурожаатлар иш вақти тамом бўлганидан кейин, дам олиш ва байрам кунлари келиб тушган тақдирда, навбатдаги иш кунида Мурожаатлар билан ишлаш шўъбаси томонидан маҳсус компьютер дастури орқали рўйхатга олиниб раҳбариятга киритилади ёки қўйи ташкилотларга юборилади.”

4. 27-банднинг куйидаги мазмундаги 3-хатбошиси зарурати қолмаганлиги сабабли чиқариб ташлансин:

“27. Резолюция (топшириқнома) қўйилган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлинма мурожаатни ижро этувчи сифатида белгиланган таркибий бўлинмага (ходимга) имзо қўйдирган ҳолда беради. Бунда ижрочи этиб белгиланган таркибий бўлинма (ходим) томонидан ижро этиш тўғрисидаги белги қўйилади.”